



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
INNOVATSION  
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

# ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАР ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ-ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР



Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман

## МАТЕРИАЛЛАРИ



20 ноябрь 2021 йил

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ВА ҚИШЛОҚ  
ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАР ҲОСИЛДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ-ИННОВАЦИОН  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

**мавзусидаги**

**Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман**

**ТЎПЛАМИ**

**Бухоро, 2021 йил 19-20 ноябрь**

тупроқ шароитида нефт билан ифлосланган тупроқларни рекультивация қилиш технологияси ишлаб чиқиладиган ва ишлаб чиқаришга тавсия қилинади.

### Адабиётлар

1. Карпов А.В. Разработка технологии экологической ремедиации техногенно-нарушенных земель на примере зоны воздействия Волгоградского нефтеперерабатывающего завода: ВГАУ. 2013. - 22 с.

2. Фоминых Д.Е. Техногенное засоление почв как геоэкологический фактор при разработке нефтяных месторождений среднего приобья: Автореф. дис. ... канд. геол-мин. наук. - Т.: ТПУ. 2013. - 22 с.

3. Коблова И.П. Объектный мониторинг подземных вод на нефтяных месторождениях // Известия Самарского научного центра Российской академии наук. - Самара, 2011. - № 1. - С.211-215.

4. Трофимов С.Я., Фокин А.Д., Дорофеева Е.И., Кошелева Ю.П. Фитодиагностика нефтяного загрязнения чернозема выщелоченного в условиях модельного эксперимента // Вестник Московского университета. - Москва, 2008. - №1. - С.29-33.

5. Jabbarov Z.A., Abdrakhmanov T., Pulatov A., Kováčik P., Pirmatov K. Change in the parameters of soils contaminated by oil and oil products. Agriculture (Polnohospodárstvo), vol. 65, 2019, no. 3, pp. 88 – 98. DOI: 10.2478/agri-2019-0009

6. Соловьева З.Е., Трофимова С.Я., Особенности трансформации почвенно-растительного покрова при загрязнении нефтью и минерализованными водами в Среднем Приобье // Вестник Московского университета. - Москва, 2008. - №1. - С.3-8.

## БУХОРО ВИЛОЯТИ ТУПРОҚ ИҚЛИМ ШАРОИТИДА УЗУМЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.

*А.А.Илёсов. БухДУ Тупроқшунослик кафедраси катта ўқитувчиси*

Бухоро вилоятининг тупроқ иқлим шароитлари Республикамизнинг қолган вилоятлари тупроқ иқлим шароитларидан табиий намлик дефицити ва турли даражада шўрланганлиги билан фарқ қилади. Вилоят деҳқончилик тизимида етиштирилаётган экинлар, суғорма деҳқончилик тизими ушбу муаммоларни янада жиддийлаштиради. Сабаби суғориш натижасида катта миқдордаги сув сарфланади ва ушбу сувлар сизот сувлари сатҳини кўтарилишига олиб келиб шўрланиш эҳтимолини кучайтиради. Ҳозирги кунда вилоят бўйича 100 000 гектар майдонда пахта, 60 000 гектар атрофида ғалла экилмоқда. Ушбу майдонлардан режадаги ҳосилни олиш учун эса ҳар бир гектар майдон ҳисобига вегетация даврида 3000-5000м<sup>3</sup> атрофида сув сарфланмоқда.

Кейинги йиллардаги сув тақчиллиги оқибатида ҳосилдорликнинг камайиши билан бир қаторда дастлабки маълумотларга қараганда 30 000 гектар атрофида майдонлардан фойдаланиш имконияти бўлмапти ва бу ҳудудларда чўлланиш жараёнлари кечмоқда. Соҳа мутахассисларининг ҳисоб китобларига қараганда Ўзбекистонда ҳар сонияда 9м<sup>2</sup> дунё бўйича 23 гектар майдон чўлланишга учрамоқда.

Бундай ҳолатда муаммони ечимини топиш ва вазиятдан чиқиш учун фақат мавжуд майдонларда иссиқ ва қурғоқчилик шароитида юқори ва сифатли ҳосил бера оладиган ўсимлик ва мева турларини етиштиришни йўлга қўйиш лозим. Ушбу вазиятда узумчилик соҳасига эътибор қаратиш узумзорлар майдонларини кенгайтириш орқали суғориш

сувларини тежаш, экин майдонларидан самарали фойдаланиш, шўрланиш ва чўлланиш каби деградацион жараёнларни олдини олишга эришиш мумкин. Қўшимчасига ҳар бир гектар майдондан олинадиган даромадни ошириб, агротехник харажатларни камайтириш имконияти пайдо бўлади. Мавжуд ҳолат бўйича рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, ҳозирги кунда бир гектар пахта майдонидан ўртача 35 ц ҳосил олинадиган бўлса пахта хом ашёсининг ўтган йилги нархидан келиб чиққан ҳолда бир тоннасининг нархи 5000 000 сўмдан 17.5 миллион сўм даромад олинган. 50ц\га дон ҳосили олинган тақдирда 10-12 миллион сўм даромад олинмоқда. Агар шу майдонларда узумзорлар барпо қилинадиган бўлса, узум ҳосилдорлиги лалмикор шароитда 10—12 тонна/га, суғорма шароитда 30-40 тонна/га ҳосилдорлик ҳисобига 1 кг узум нархини минимум 3000сўмдан ҳисоблаган тақдирда ҳам 90-120 миллион сўм даромад олиш мумкин бўлади. 17-20 миллион ва 90-120 миллион сўм ўртасидаги фарқни алоҳида изоҳлашга ҳожат йўқ. Бундан ташқари агротехник тадбирлар харажатлари ва сув сарфидаги ижобий фарқни ҳам албатта таъкидлаб ўтиш лозим. Кекса деҳқонларимиз узумзорларни “ Қишда кўл қил, ёзда чўл қил” деб бекорга таъкидлашмаган. Сабаби узум кўчатлари вегетация даврида суғоришга унчалик ҳам талабчан эмас. Пахта ва ғалла майдонларига нисбатан ҳар йили камида 50-60% сув тежаш имконияти пайдо бўлади. Айниқса чўл билан чегерадош ҳудудларда узумзорлардан иборат полоса яъни йўлаклар жорий қилиш ушбу ҳудудлардан деҳқончилик ҳудудларига кириб келадиган иссиқ ҳаво оқимлари ва қум кўчкилари ва уларнинг зарарли таъсирини камайтириш имконини беради.

Қишлоқ хўжалик соҳасида анчагин ривожланган Хитой ва исроил давлатларида чўлланишни олдини олиш мақсадида қурғоқчилик ва иссиқликка чидамли дарахт ва буталардан фойдаланиб, сунъий ўрмонлаштириш ва саванналаштириш тадбирлари аллақачон амалга ошириш бошлаб юборилган.

“Ўрта Осиё ҳудуди қачонлардир чўлланишга маҳкум” деган фикрлар интернет ва ижтимоий тамоқларда тобора кўпроқ учрамоқда . Тобора жадаллашиб бораётган чўлланиш жараёнини олдини олиш ёки секинлаштириш, ҳар бир гектар деҳқончиликка яроқли майдондан самарали фойдаланиш, аҳолини иш билан таъминлаш ва камбағалликни камайтиришда, ҳудуддаги мавжуд сувларни тежаш ва шўрланишни олдини олиш каби экологик муаммоларни олдини олишда узумчилик соҳасини ривожлантириш ва узумзорлар майдонларини кенгайтириш орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Фойдаланилган алабиёт:

3. Абдуҳалимоваю “Ўзбекистон ҳудуди шиддат билан чўлланишда давом этмоқда: сабаб, оқибат ва ечимлар” <https://m.kun.uz/news/2021/06/27/uzbekiston-hududi-shiddat-bilan-chollanishda-davom-etmoqda-sabab-oqibat-va-yechimlarm>

	унумдорлигини оширишнинг баъзи йўллари.	
<b>131</b>	<b>Юсупова.М.А</b> Қумларнинг экомелиоратив ҳолатини яхшилаш.	274
<b>132</b>	<b>Абдурахмонов Н.Ю., Эгамбердиев Ж.А.</b> Орол денгизи қуриган тубидаги қумли саҳро тупроқларнинг мелиоратив ҳолати.	276
<b>133</b>	<b>Атабаева.Х.Н., Идрисов Х. А., Матҳолиқов Р.Б</b> Мош (phaseolus aigeis piper) навлари илдиз массаси ривожланишини суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида таҳлилий ўрганиш.	278
<b>134</b>	<b>Камолова С, Мирзажонов М, Юсупова З</b> Ёнғок(yuglans regia l.)нинг идеал навини етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.	281
<b>135</b>	<b>А.Арзимбетов, Н.Раупова</b> Хўжайли ва тахиатош туманлари тупроқларининг агрокимёвий хоссалари.	283
<b>136</b>	<b>Тагаев А.М., Абдурахмонов С.А.</b> Уруғ экиш муддатлари ва меъёрларини қузғи жавдар бошоғининг биометрик кўрсаткичларга таъсири	288
<b>137</b>	<b>Жаббаров З.А1., Номозов Ў.М.</b> Тупроқларни нефт конлари таъсирида техноген шўрланиш ҳолати.	291
<b>138</b>	<b>А.А.Илёмов.</b> Бухоро вилояти тупроқ иқлим шароитида узумчиликни ривожлантириш истиқболлари.	293
<b>139</b>	<b>Қурвангаев Р., Халилова З.</b> Чирчиқ ҳавзаси тупроқларининг сув-ўтказувчанлиги	295
<b>140</b>	<b>О.Н.Sulaymonov.,Х.Х.Asqarov.,А.М.Marufjonov.,D.T.Yigitaliyev.</b> Farg‘ona viloyati tuproqlarida rayonlashtirilgan va istiqbolli g‘o‘za navlarining o‘ziga xos agrotexnikasini o‘rganish.	297
<b>141</b>	<b>О.Н.Sulaymonov.,Х.Х.Asqarov.,А.М.Marufjonov.,D.T.Yigitaliyev.</b> Sho‘rlangan tuproqqa detonasion ishlov berishning o‘g‘itlar samaradorligiga ta’siri	299